

СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҶСИШГА ТАЪСИРИ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ НУҚТАИ-НАЗАР**Зариф Орипович Ахроров***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти*

e-mail: z.akhroroff@gmail.com

Annotation

Although the nature of taxes and their role in the organization of government revenues have been studied many times in the economic literature, there are many debates about the impact of taxes on society and their role in economic growth. In any context of economic legislation, the importance of tax relations in the organization of statehood is recognized, with special emphasis on their contribution to the welfare of the population. This article is devoted to the optimization of tax relations in the state and society, the description of the weight and convenience in the relationship between taxpayers and taxpayers. This article provides an analysis of the situation on the positive and negative effects of taxes in society, and formulates proposals and recommendations for the coordination of tax relations between the state and society.

Key words

tax, society, state, tax relations, tax incentive.

Аннотация

Иқтисодий адабиётларда солиқларнинг моҳияти ва давлат даромадларини ташкил этишдаги ўрни кўп маротаба тадқиқ қилинганига қарамай, солиқларнинг жамият ҳаётидаги таъсири ҳамда иқтисодий ўсишдаги ўрни борасида баҳсли мунозаралар кўп учрайди. Иқтисодий қонуниятларнинг ҳар қандай шароитида солиқлар билан боғлиқ муносабатлар давлатчиликни ташкил этишдаги аҳамияти алоҳида эътироф этилиб, уларнинг аҳоли фаровонлигига хизмат қилишига алоҳида диққат қаратилади. Мазкур мақола давлат ва жамиятда амалга ошириладиган солиқ муносабатларини оптималлаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ олувчилар муносабатларидаги оғирлик ва қулайликларни тавсифига бағишланган. Ушбу мақолада солиқларнинг жамиятдаги ижобий ва салбий таъсири тўғрисидаги вазиятлар таҳлили акс эттирилган бўлиб, давлат ва жамият ўртасидаги солиқ муносабатларини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар

солиқ, жамият, давлат, солиқ муносабатлари, солиқ имтиёзи.

Кириш

Иқтисодиётда солиқ муносабатларини такомиллаштириш уни модернизациялашнинг энг ёрқин кўринишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнини модернизациялашсиз иқтисодиётни модернизациялаш имконсизлиги тан олинади [1]. Бу аввало, рақамли иқтисодиёт шароитида миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини беради. Шу боисдан ҳам солиқ муносабатларини оптималлаштириш ва жамиятдаги бошқа иқтисодий категориялар билан уйғунлигини таъминлаш жуда муҳим масалалардан биридир.

Солиқлар ижтимоий ва иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти сифатида мукамал ва қатъий солиққа тортиш тизимига эга бўлиши [2], солиқ тизимига танқидий омил сифатида қатъий тартибга солувчи тизимнинг мавжуд бўлиши [3], жамиятда молиявий ресурслар тақсимланиши давлатнинг бозор тизими ёки сиёсий тизими орқали амалга оширилиши [4], узоқ муддатли иқтисодий ўсиш даражаси тўғри ташкил этилган фискал сиёсат натижаси эканлиги [5] эътироф этилади. Бу борада давлат томонидан олиб бориладиган ислохотлар катта майдонга чиқади.

Хорижий ва мамлакатимиз иқтисодий адабиётларида солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек бюджет даромадларидаги ўрни салмоқли тадқиқ қилинган бўлсада, унинг жамият фаровонлиги борасидаги аҳамиятини ёритиш ва родини ошириш борасидаги илмий ишларнинг оқсайиши кузатилади. Умуман олганда, ҳозирги глобаллашув шароитида солиқ олувчилар ва солиқ тўловчилар (солиқ субъектлари) фаолиятига кириб

келаётган оғирлик ва қулайликларни ёритиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бугунги долзарб масалалардан биридир.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада иқтисодий таҳлилнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, таққослама каби анъанавий усуллардан фойдаланилди. Хорижий ва мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчиларининг солиқ муносабатларига доир илмий-амалий қарашлари таҳлил қилинди ва натижалари асосида хулосалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Француз иқтисодчиси П.Ж. Прудон солиқларнинг мавжуд бўлиши масаласини давлат мавжуд бўлиши масаласи билан боғлайди [6]. Дарҳақиқат, давлат солиқ тўловларисиз мавжуд бўла олмайди, солиқлар эса давлатнинг мажбурий қисмидир. Қардаки давлат бўлса, ўша ерда солиқлар ҳам амал қилади, солиқларнинг табиати давлатнинг тақдири ва функциялари билан белгиланади.

Шундай қилиб, давлат учун солиқларнинг объектив зарурлиги қуйидагилар билан боғлиқ бўлди:

- Бозор иқтисодий муносабатларини акс эттирувчи қонунларни қабул қилиниши билан;
- Турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларини ва эркин нархларни амал қилиши аҳоли билан хўжалик субъектлари ўртасида фақат қонуний, ҳуқуқий, демократик муносабатларини шаклланиши билан;
- Марказлашган маъмурий тақсимотдан ўз-ўзини молиялаштиришга, иқтисодий кўрсаткичларни хўжалик субъектларида мустақил тақсимотини ва режалаштирилишини амалга оширилиши билан;
- Бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш босқичларида хўжалик субъектлари фаолиятида юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлар, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайиши ёки фаолиятни тўхталиб қўйилиши бюджет даромадларини пасайиши ва уларни қоплаш учун салмоқли даромадлар бўлишини таъминлаш фақат эгри солиқлар орқали ҳал этилиши билан.

Аммо юқорида келтирилган далиллар нафақат замонавий солиқ муносабатлари амал қилиши, шунингдек солиқ тизимини қайта кўришнинг зарурлиги билан ҳам боғлиқ бўлди.

Мамлакатдаги инфратузилмаларни рақобатбардошлилигини сифатли инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан таъминлашда, таркибий қайта қуришларни амалга оширишда солиқларни тартибга солиш механизми ўта муҳим восита сифатида хизмат қилади. Маълумки, солиқлар орқали тартибга солиш кенг маънода ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили сифатида майдонга чиқади [7]. Солиқлар бир томондан давлат бюджети даромадларини тўлдиришни амалга оширса, иккинчи томондан жамият аъзолари даромадларини қайта тақсимланишини акс эттиради.

Айнан солиқлар орқали ҳам иқтисодий ўсишга, ҳам пасайишга таъсир этиш мумкин. Мамлакат солиқ тизими инвестициялар учун қулай муҳит яратиши, бизнес инновацияларини рағбатлантириш ва узоқ муддатли барқарор экологик сиёсатни ҳам яратиши учун ҳам хизмат қилиши лозим [8].

Бир қатор олимлар жамият ривожини учун инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилмайдиган ва иқтисодий ўсишини таъминлайдиган солиқ тизимини ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлайдилар [9]. Агарда, солиқ солинадиган объектдан қилинган инвестиция тўлиқ қопланган бўлса, бу солиқ тизими инвестицияларни жалб қилишни бузмаган бўлади [10-11].

Ч.Тибонинг фикрича, солиқ имтиёзларини киритиш ҳисобига солиқ тушумларини камайтириш жамиятга товарларни тақдим этишда хавфлар туғдириши мумкин [12]. Шу муносабат билан солиқ сиёсати жамиятга фаровонлигига хизмат қилиши ҳамда бюджет тушумларини камайтирмаслигига хизмат қилмоғи лозим.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича кўп миқдорда имтиёзлар мавжудлиги тўловчиларни тенгсиз ҳолатга келтириб, баъзиларини имтиёзлар беришга мажбур қилади ва давлат учун зарарларни қоплаш учун солиқ ставкаларини оширади [13]. Шу билан бирга, жамиятда солиқ имтиёзларини қўлланилиши бўйича муносабат аниқ эмас. Ушбу солиқ элементининг ташқи жозибаси ҳам давлат, ҳам тадбиркорлик учун ҳам, умуман иқтисодиёт учун ҳам жиддий муаммоларни кўринмас қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда амал қилаётган солиқ имтиёзлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, айрим ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган, бироқ айрим иқтисодчи олимлар имтиёзларнинг салбий жиҳатларини мавжудлигини ҳам таъкидлашади [14-15]. Яъни солиқларга имтиёз бериш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, тадбиркорларни солиқдан қочиб қолиш йўллари ҳам очиши, шунингдек, солиқ имтиёзларини хизмат кўрсатувчиларни лоқайдликка, боқимандалик кайфиятига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Амалда солиқ имтиёзлари жамият учун инновацион соҳани ривожлантиришни рағбатлантириш йўналишида такомиллаштириш, уларни оптималлаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоғи лозим. Бунда таъкидлаш жоизки, инновацион жараёнлар юқори даражадаги ноаниқликлар билан боғланганлигини эътиборга

олган ҳолда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш тизимини солиқ имтиёзлари тақдим этиш орқали такомиллаштиришнинг ўзига хос йўналишларда амалга оширилиши муҳимдир.

Солиқлар табиатига доир замонавий тадқиқотларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ – солиқларнинг иқтисодий табиатини тадқиқ қилувчи гуруҳ ва иккинчи гуруҳ – солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий табиатини бир тушунча сифатида боғлиқликда тадқиқ қилувчи гуруҳ. Биринчи гуруҳ солиқни молиявий-иқтисодий категория сифатида – давлатнинг даромади ва солиқ тўловчининг харажати сифатида аниқлайдилар [16-17]. Иккинчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қатъий мос равишда солиқларни қонуний таърифини беришга ҳаракат қиладилар [18]. Бошқа тадқиқотчилар солиқлар таркиби, солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий табиати ҳақида турли даражаларини объектив равишда ёритишга ҳаракат қиладилар. З.Н. Курбонов солиқларнинг фалсафий ва сиёсий табиатини ҳисобга олган ҳолда ўрганса [19], Ш.А. Тошматов эса солиқларнинг фалсафий, иқтисодий ва ҳуқуқий табиати ҳақида гапириб ўтади [20].

Солиқлар назариясидан кўринадик, солиқларнинг иқтисодий табиати солиқларнинг солиқ тўловчи харажатларининг махсус тури ва бир вақтнинг ўзида бюджет даромадларининг махсус тури сифатида яққол кўрилади.

Глобаллашган дунёда рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ тизимини соддалаштириш тенденцияси кузатилмоқда. Солиқ тизими қанчалик кучли бўлса, иқтисодий натижаларни аниқлаш осонроқ бўлади, корхоналар раҳбарлари ҳисобот ҳужжатларини тузишда ташвишланмайди ва улар томонидан солиқларни эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳақида ўйлашга кўпроқ вақт қолади. Бу ҳолда солиқ органлари солиқлар тўлашнинг тўғрилигини яқиндан кузатишлари мумкин бўлади.

Шунинг учун ҳам молиявий муносабатларни самарали ташкил этишда рақамли технологияларни жорий этиш ва такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Рақамлаштириш жамият ҳаётининг барча бўғинларида ўзининг устунликларини намоён этган ҳолда блокчейн технологияларини қўллаган ҳолда молиявий муносабатларни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Корхоналар доим ўзгариб турадиган солиқ сиёсати, молиявий тартибга солиш ва ҳуқуқий ҳужжатлардан азият чекишади. Бу ўзгаришлар корхоналар даромадлари, пул оқимлари ва солиқ тўловчилик обрўсига таъсир кўрсатади. Илмий изланишларимизда солиқ тўловчилар ва солиқ олувчилар ўртасида манфаатларни мувофиқлаштириб, солиқларни оптималлаштириш масаласини кўриб чиқишга муваффақ бўлдик [21-22]. Солиқ муносабатлари асосан доимий равишда чегаралар орқали ҳаракат қиладиган корпорациялар, қўшма корхоналар, хорижий корхоналар фаолиятида яққол кўрилади.

Россиялик тадқиқотчилар фикрича, солиқ тизимида блокчейн технологияларини қўллаш ҳақида фикр юритиб [23], уларнинг бир қатор афзалликларга эга эканлигини таъкидлаб ўтадилар:

- блокчейнларнинг асосий тамойили сифатида у солиқлардан фойдаланиш бўйича салмоқли салоҳият яратиб беради;
- блокчейннинг шаффофлик тамойили шуни кўрсатадики, ҳар бир маҳсулот (хизмат)нинг олди-сотдиси ҳар бир нуқтасида барча фойдаланувчилар учун кузатиш ва назорат қилиш имкони яратилади;
- хавфсизлик тамойили киритилган маълумотларни ўзгартириш имкони йўқлиги ёки ўзгартирилганда ҳар бир фойдаланувчиларга зудлик билан етказилиши ҳар бир фойдаланувчининг қўлига эмаслигини кўрсатади;
- реал вақтдаги ахборотларни бир вақтнинг ўзида барча фойдаланувчиларга янгилаш орқали етказилади.

Шак-шубҳасизки, блокчейн дунёда корхоналар солиқлари ва молиясида фойдали восита бўла олади. Блокчейн занжирларни бир-бирига боғлаган ҳолда корхона молиявий ҳолатини, солиққа тортишни ташхислаш ва маълум жараёнларни оптималлаштиришга хизмат қиладди. Блокчейн технологиялари маълумотларни ўзгартириб бўлмаслиги, занжирдаги барча иштирокчиларга ишончни таъминлаш, очиқлик, ҳимояланганлик, ортиқча воситачиларни камайтириш каби ижобий хусусиятларни намоён этмоқда. Бундан ташқари, блокчейн учинчи шахслар олдидаги транзакцияларни амалга оширишга қарамлик ва тўлов комиссияларини камайтиради.

Замонавий дунёнинг рақамлаштириш ва марказлаштириш тенденцияларига жавоб берадиган инфратузилмани яратиш солиқ тизимида блокчейн технологияларини жорий қилиш имконини яратади. У хўжалик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни ва солиқ ҳисоботларини соддалаштириш салоҳиятига эга [24].

Хуллас, солиқ тизимида блокчейн технологиялари давлат учун бир қатор қулайликлар яратади. Жумладан, инсон омили камайишини инобатга олиб давлат бюджетидан харажатлар камаяди, коррупция ва таъмагирлик ҳолатлари кескин пасаяди, солиқ ҳисоби ва назорати тўлиқ автоматлаштирилади, солиқларни тўлиқ давлат бюджетига тушиши таъминланади.

Солиқлар объектив тақсимлаш муносабатлари орқали кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида иштирок этади ва ишлаб чиқариш муносабатларида ўз аксини топди. Солиқлар жамият

иқтисодий базасини ифодалаш туфайли ишлаб чиқаришни қизиқтиришда, товар ишлаб чиқариш орқали истеъмолни тартибга солиш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини юзага келтириш улардан ижтимоий ҳимоя ва бошқа ижтимоий зарурий мақсадлар йўлида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Юқоридагидан келиб чиққан қолда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, амалий жиҳатдан солиқларнинг қонуний ҳаракатлари орқали, уларнинг моҳиятини ифодалаш мумкин:

Биринчидан, солиқ тўловчи пулнинг у ёки бу суммасини давлатга тўлар экан, бунинг эвазига товар ёки хизмат олмайди. Солиқ миқдори билан у истеъмол қилган ижтимоий неъмат ўртасида боғлиқлик юзага келмайди. Шу хусусиятга кўра солиқ тўловчи кўрсатган фойдасини ёки манфаатини тўлаган солиқлар билан солиштирилса, унда бундай ҳолат даромадларни емирилишига, солиқ тўлашдан бош тортишга сабаб бўлиши мумкин. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошқора тарзда ишлатса, ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг иқтисодий ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан оқилона ва ихтиёрий равишда таъминлашга рози бўлган тақдирдагина давлат миқёсида юксак солиқ ахлоқ тамойиллари юзага келтирилиши учун замин яратилади.

Иккинчидан, солиқлар тўла ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги солиқ тўловчилар зиммасига юкланган экан, у ихтиёрий эмас, балки мажбурий хусусиятга эга бўлиши ва муқаррарлиги.

Учинчидан, давлат фойдасига амалда юзага келтирилган даромаднинг аввалдан қонун доирасида белгилаб қўйилган қисмини ундириб олиниши билан.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги функцияларини барқарорлашуви учун ҳам имкониятларни яратилиши кўпинча солиқ муносабатлари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Буларга кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бозор инфратузилмасини ташкил қилиш ва шуни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни давлат доирасида ташкил этиш, нафақахўрлар, талабалар, кўп болали оилалар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш, товар баҳоларининг кўпроқ ошган қисмини давлат ҳисобидан қоплаш ва бошқалар мустақил мудофаа қудратига эга бўлиш, харбий техникага эга бўлиш, давлат фуқаролар ҳавфсизлигини сақлаш, тартиб-интизом ўрнатиш, мамлакатни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам маблағ сарфлаш, буларнинг ҳаммаси солиқларнинг объектив зарурлигини ва тартиблаштирилиб берилишини тақозо этади. Лекин солиқларнинг зарурлиги бошқа ўзига хос муносабатларни мавжудлиги билан ҳам боғлиқдир.

Самарали иқтисодий тартибнинг шарти сифатида, солиққа тортишдаги ахлоқий тизим тамойилларининг тарқалиши ва қараб чиқилиши – одамларнинг ахлоқ меъёрлари ва у билан боғлиқ ҳолатларни ўрганувчи неонституционализм концепциясининг мантикий давомидир [25]. Солиқлар, ушбу ёндошув доирасида, инсон шахси, унинг маънавий ўз-ўзини такомиллаштирганлиги билан боғлиқ бўлган ажралмас бурчидир. Солиқларнинг айнан шундай тушунилиши тадбиркорлик ахлоқининг асоси бўлди ва эркин рақобат даврида бозор иқтисодиётининг маънавий мазмунини белгилаб берди. Бойликка интилиш ахлоқий ўз-ўзини ифодалаш шакли ҳисобланувчи меҳнатсевар ва тежамкор тадбиркор образи, ўрта асрлардаги кучли диний жамиятда, солиқ тўловларининг ва ҳўжалик ташаббусларининг ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг ўсишига кўп даражада ёрдам берди.

Ҳозирги вақтда барча даражадаги бюджетларнинг шаклланишига солиқлар ва йиғимларни тўлаш билан боғлиқ кўплаб муаммолар салбий таъсир кўрсатаётганлиги очиқ кўринмоқда.

Солиққа тортишнинг тўғри ташкил этилганлигига қарамай, солиқ саводхонлиги ва маданиятининг паст даражаси бюджет даромадлари қисмини ижро этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида тадбиркорларнинг солиқдан қочиш, даромадни яшириш ёки камайтиришга ҳаракат қилишларини кўрсатиш мумкин.

Солиқ тўловчилар ўртасида солиқ маданиятини оширишга янги атамалар билан тўлдириладиган солиқ қонунчилигини нотўғри тушунилиши билан боғлиқ солиқ тўловчиларининг хато ва камчиликлари солиқ хизмати органларининг тушунтириш ишлари ёрдам беради. Солиқ қонунчилигини шарҳлар бериш назарда тутилган бўлсада, солиқ тизимидаги кўп сонли ўзгаришлар нафақат солиқ тўловчи учун, балки солиқ хизмати органлари ходимлари учун ҳам қийин.

Хулоса ва таклифлар

Илмий тадқиқот олиб бориш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Солиқлар бир томондан давлат бюджети даромадларини тўлдиришни амалга оширса, иккинчи томондан жамият аъзолари даромадларини қайта тақсимланишини акс эттиради.
2. Мамлакат солиқ тизими инвестициялар учун қулай муҳит яратиши, бизнес инновацияларини рағбатлантириш ва узоқ муддатли барқарор экологик сиёсатни ҳам яратиши учун ҳам хизмат қилиши лозим.
3. Солиқ сиёсати жамиятга фаровонлигига хизмат қилиши ҳамда бюджет тушумларини

камайтирмаслигига хизмат қилмоғи лозим

4. Солиқларга имтиёз бериш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, тадбиркорларни солиқдан қочиш қилиш йўллари хам очиши, шунингдек, солиқ имтиёзларини хизмат кўрсатувчиларни лоқай-дликка, боқимандалик кайфиятига тушиб қилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан солиқ имтиёзларини оптималлаштиришга қаратилган солиқ сиёсатини юритиш лозим.

5. Солиқ имтиёзлари жамият учун инновацион соҳани ривожлантиришни рағбатлантириш йўналишида такомиллаштириш, уларни оптималлаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоғи лозим

6. Инсон омили камайишини инобатга олиб давлат бюджетидан харажатларни камайтирувчи, коррупция ва таъмагирлик ҳолатларини кескин пасайтирувчи, солиқ ҳисоби ва назорати тўлиқ автоматлаштириладиган, солиқларни тўлиқ давлат бюджетига тушиши таъминланадиган солиқ тизимидаги блокчейнларни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

7. Бугунги кунда аҳолини солиқ маданиятини ошириш, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни етказиш муҳим масалалардан биридир. Шу боис ҳар бир вилоят (шаҳар, туман) маҳаллаларида (маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари кўмагида) бир ойда бир маротаба солиқ саводхонлиги кунини ўтказиш, унга вилоят солиқ идоралари ва таълим муассасалари мутасадди ўқитувчиларини кенг жалб этишга эришиш зарур.

Адабиётлар рўйхати

1. Ponomarev A. I., Ponomareva A. M. Modernization of tax administration in modern Russia //Taxes and taxation. – 2012. – №. 3. – p. 30-37.
2. Ahmad S., Sial H. M., Ahmad N. Indirect taxes and economic growth: An empirical analysis of Pakistan // Pakistan Journal of Applied Economics. – 2018. – Т. 28. – №. 1. – p. 65-81.
3. McGrattan E. R., Prescott E. C. Taxes, Regulations, and the Value of US and UK Corporations //The Review of Economic Studies. – 2005. – Т. 72. – №. 3. – p. 767.
4. Scully G. W. Taxes and economic growth //NCPA Policy Report. – 2006. – Т. 292.
5. Cashin P. Government spending, taxes, and economic growth //Staff Papers. – 1995. – Т. 42. – №. 2. – p. 237.
6. Смородина Е.А. Развитие научных концепция о сущности и функциях налогов. //Управленец. – 2014 № 3 (49). p. 4-11
7. Minford L. Tax, regulation and economic growth: a case study of the UK. – Cardiff Economics Working Papers, 2015. – №. E2015/16.
8. Vermeend, W., Van Der Ploeg, R., & Timmer, J. W. Taxes and the Economy. Books. Edward Elgar Publishing, 2008.
9. Diamond P. A., Mirrlees J. A. Optimal taxation and public production I: Production efficiency //The American economic review. – 1971. – Т. 61. – №. 1. – p. 8-27.
10. Sandmo A. Investment incentives and the corporate income tax //Journal of Political Economy. – 1974. – Т. 82. – №. 2, Part 1. – p. 287-302.
11. Boadway R., Bruce N. A general proposition on the design of a neutral business tax //Journal of Public Economics. – 1984. – Т. 24. – №. 2. – p. 231-239.
12. Tiebout C. M. A pure theory of local expenditures //Journal of political economy. – 1956. – Т. 64. – №. 5. – С. 416-424.
13. Горский И. В. О налоговом регулировании, налоговых льготах и функциях (историко-методологический аспект) // Экономика. Налоги. Право. Изд. Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации. 2014, № 3. p. 17-22.
14. Кузиева Н. Ўзбекистон иқтисодиётини тартибга солишда солиқ имтиёзлари таъсирининг таҳлили // Архив научных исследований. – 2020. – №. 24.
15. Маликов Т. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. 32-б.
16. Зайналов Д. Р. Основные подходы к анализу налога и его связи с социально-экономическими процессами //Саяпинские чтения. – 2010. – С. 53-68.;
17. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия. –2002. 204 б.
18. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография / Ж.Ж. Урмонов; Т.: —Iqtisod-Moliya, – 2018. 240 б.
19. Курбанов З. Н., Исаев Ф. И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа // актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – с. 246-254.